



## O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2023 yil « 11 » март

№ ПҚ–91

### Тошкент шаҳридаги истеъмолчиларни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Тошкент шаҳридаги истеъмолчиларнинг энергия ресурсларига ўсиб бораётган талабини таъминлаш ва электр тармоқларининг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш мақсадида:

**1.** Энергетика вазирлигининг Тошкент шаҳрининг қўшимча электр энергиясига бўлган эҳтиёжини қоплаш учун:

“ACWA Power” (Саудия Арабистони) компанияси иштирокида Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги “Ўзсувтаъминот” АЖ ҳудудида қуввати 400 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станциясини қуриш лойиҳасининг биринчи босқичи қувватларини (100 МВт);

“China Gezhouba Group Investment Company Co. LTD” (Хитой Халқ Республикаси) компанияси иштирокида Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманида қуввати 700 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станциясини қуриш лойиҳасининг биринчи босқичи қувватларини (100 МВт) **жорий йил якунига** қадар ишга тушириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

**2.** Энергетика вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ **бир ҳафта муддатда** мазкур қарорнинг 1-бандида назарда тутилган лойиҳаларни амалга ошириш учун тегишли инвесторлар билан инвестиция шартномалари ва электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битимларнинг белгиланган тартибда имзоланишини таъминласин.

**3.** Энергетика вазирлиги, Тошкент шаҳри ҳокимлиги, “Навоий КМК” АЖ, “Олмалиқ КМК” АЖ, “Ўзавтосаноат” АЖ ва “Ўзметкомбинат” АЖнинг таклифларига асосан қуйидагиларни назарда тутувчи **2023 йилда Тошкент шаҳри электр таъминотини яхшилашга қаратилган 35–110 кВ кучланишли электр тармоқларини ривожлантириш лойиҳаси** (кейинги ўринларда – Лойиҳа) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

Юнусобод, Шайхонтоҳур, Мирзо Улуғбек, Яшнобод ва Янгиҳаёт туманларида умумий қуввати **664 МВА** бўлган **5 та** 110 кВ кучланишли подстанция ҳамда **49,6 км** узунликдаги 35 кВ ва 110 кВ кучланишли электр узатиш тармоқларини қуриш;

Юнусобод, Мирзо Улуғбек, Олмазор ва Миробод туманларидаги **4 та** подстанцияни реконструкция қилиш орқали уларнинг ўтказиш қувватини **179 МВА**га ошириш;

жисмонан эскирган **7,5 км** узунликдаги 35 кВ ва **41,7 км** узунликдаги 110 кВ кучланишли электр узатиш тармоқларини замонавий турдаги кабель ва симларга алмаштириш.

#### 4. Белгилансинки:

а) Лойиҳа доирасида “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ – буюртмачи, “Ўзэнергоинжиниринг” АЖ – бош лойиҳачи, 1-иловада белгиланган масъуллар – тегишлилиги бўйича бош пудратчи вазифасини амалга оширади.

Бунда, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ масъул бўлган лойиҳаларда бош пудратчи танлов ва тендер савдоларини ўтказмасдан энг яхши таклифларни танлаш орқали аниқланади;

б) Лойиҳани амалга ошириш учун жами **3,5 трлн** сўм миқдоридagi маблағлар йўналтирилади, шу жумладан **566 млрд** сўм “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ, “Навоий КМК” АЖ, “Олмалиқ КМК” АЖ, “Ўзметкомбинат” АЖ, “Ўзавтосаноат” АЖнинг (кейинги ўринларда – Корхоналар) ўз маблағлари, **199 млрд** сўм “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖнинг ўз маблағлари ҳамда **2,7 трлн** сўм “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ жалб қиладиган товар кредитлари.

#### 5. Лойиҳанинг ўз вақтида амалга оширилиши учун:

шахсий жавобгарлик энергетика вазири Ж. Мирзамаҳмудов, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ бошқаруви раиси Д. Исакулов, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ бошқаруви раиси У. Мустафоев, “Навоий КМК” АЖ бошқаруви раиси Қ. Санақулов, “Олмалиқ КМК” АЖ бошқаруви раиси А. Хурсанов, “Ўзметкомбинат” АЖ бошқаруви раиси Р. Пирматов ва “Ўзавтосаноат” АЖ бошқаруви раиси Ш. Умурзаков зиммасига юклатилсин;

Корхоналар мазкур қарорга 1-иловага мувофиқ жами **384 нафар** ходимини ҳамда **102 та** техникани белгиланган объектларнинг қурилиш-монтаж ишларига бириктирсин.



**6. Энергетика вазирлигининг “Худудий электр тармоқлари” АЖ ва “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖга тегишли электр тармоқлари объектларини (кейинги ўринларда – объектлар) 2-иловага мувофиқ рўйхат бўйича тегишлича “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ ва “Худудий электр тармоқлари” АЖга баланс (қолдиқ) қийматида бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.**

Бунда, объектлар барча электр қурилмалари, мол-мулклар, уларнинг техник ҳужжатлари, шунингдек, бошқа муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялари билан бирга “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ ва “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг устав капиталидаги давлат улушини ошириш (камайтириш) ҳисобига ўтказилади ҳамда солиқ солиш объекти ҳисобланмайди.

**7. Қуйидагилар:**

**2023 – 2025 йилларда Тошкент шаҳрининг паст кучлинишли электр тармоқларини янгилаш дастурининг (кейинги ўринларда – Дастур) мақсадли кўрсаткичлари 3-иловага мувофиқ;**

**2023 йилда Тошкент шаҳри туманларининг паст кучлинишли электр тармоқларини янгилаш дастурининг манзилли рўйхатлари 3.1 – 3.12-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.**

Белгилансинки:

Дастур доирасида жами **2 969,8 км** паст кучлинишли электр узатиш тармоқлари ҳамда **703 та** трансформатор пункти, шу жумладан 2023 йилда **903,3 км** паст кучлинишли электр узатиш тармоқлари ҳамда **228 та** трансформатор пункти янгиланади;

Дастурнинг ўз вақтида амалга оширилиши учун шахсий жавобгарлик “Худудий электр тармоқлари” АЖ бошқаруви раиси У.Мустафоев ва Тошкент шаҳри ҳокими в.б. Б.Рахмонов зиммасига юклатилади.

**8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:**

**а) Дастур доирасида:**

2023 йилда паст кучлинишли трансформатор пунктлари ва кабель маҳсулотларини харид қилиш учун Тошкент шаҳри ҳокимлиги томонидан “Ўзмиллийбанк” АЖдан **220 млрд** сўм миқдорида кредит маблағлари жалб қилинади ва “Худудий электр тармоқлари” АЖ учун белгиланган тартибда очиладиган махсус ҳисобвараққа ўтказиб берилади;

Тошкент шаҳри ҳокимлиги томонидан жалб қилинган кредит маблағлари 2024 йилдан бошлаб “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ томонидан тегишли тармоқ жадвалига мувофиқ тўлаб берилади;

лойиҳалаштириш, экспертиза ва қурилиш-монтаж ишлари “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ томонидан хўжалик усулида амалга оширилади;

**б) Лойиҳа ва Дастур доирасида:**

лойиҳалаштириш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш, ускуналар ва жиҳозларни харид қилиш ва ўрнатиш ишлари “fast track” усулида амалга оширилади. Бунда, қурилиш-монтаж ишлари учун техник-иқтисодий асослар ишлаб чиқилмайди;

“Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ, “Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси” филиали, “Ўзэнергоинжиниринг” АЖ ва Корхоналарга танлов ва тендер савдоларини ўтказмасдан энг яхши таклифларни танлаш орқали маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар ва ёрдамчи пудратчилар билан тўғридан-тўғри шартнома тузишга рухсат берилади. Бунда, ушбу шартномалар Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУК томонидан ҳужжатлар тақдим этилган санадан эътиборан 10 кун муддатда экспертизадан ўтказилади;

қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун зарур бўладиган темир-бетон маҳсулотлари ҳамда қўшимча қурилмалар Лойиҳада белгиланган Корхоналар томонидан харид қилинади;

**в) Лойиҳа доирасида:**

Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ томонидан Лойиҳа доирасида бажариладиган ишлар юзасидан Ўзбекистон Республикасининг 2023–2025 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурига тегишли ўзгартиришлар киритилишини таъминлайди;

“Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ томонидан Лойиҳа учун сарфланадиган маблағлар “Республиканинг 0,4 – 110 кВ кучланишли электр тармоқларини янгилаш ва модернизация қилиш (3-босқич)” лойиҳаси доирасида қопланади;

Лойиҳа доирасида харид қилинадиган электр қурилмалари Давлат захираларини бошқариш қўмитаси омборларида сақланади;



электр қурилмалари учун олинган маблағлар 2024 йилдан бошлаб “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ томонидан халқаро ва маҳаллий молия институтларидан жалб қилинадиган маблағлар ва дебитор қарздорликни қисқартириш ҳисобидан қопланади.

**9. “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ (У. Мустафоев) уч ой муддатда** молиялаштириш манбаларини аниқ белгилаган ҳолда республиканинг бошқа ҳудудларидаги электр тармоқларини ривожлантириш бўйича режаларни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда, қуйидагилар инobatга олинсин:

шаҳарларда ва йирик аҳоли пунктларида 35/0,4 кВ кучланишли трансформаторлардан фойдаланишни кенгайтириш;

тармоқларни 10 кВ ва 35 кВ кучланишга ўтказиш орқали 6 кВ кучланишли электр тармоқларини босқичма-босқич эксплуатациядан чиқариш ҳамда 0,4 кВ кучланишли электр узатиш тармоқларининг узунлигини қисқартириш;

шаҳарларда ва йирик аҳоли пунктларида 35 кВ ва 110 кВ кучланишли янгидан қуриладиган подстанцияларни ёпиқ турга ўтказиш.

**10.** Лойиҳа ва Дастур ижроси устидан тизимли назорат ўрнатиш мақсадида 4-иловага мувофиқ Бош прокурор ўринбосари С.Самадов бошчилигида Ишчи гуруҳ тузилсин.

Ишчи гуруҳга қуйидаги вазифалар юклатилсин:

қурилиш-пудрат ишларининг сифатли бажарилиши ва белгиланган муддатларда якунланишини назорат қилиш;

ажратилган маблағларнинг мақсадли ва самарали ишлатилиши, қўшимча иқтисод қилиш имкониятларини ишга солиш устидан тизимли назоратни амалга ошириш;

Лойиҳа доирасида харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг нархларини таҳлил қилиш, уларни асоссиз равишда оширишга ва тасдиқланган лойиҳа ҳужжатларига ўзбошимчалик билан ўзгартиришлар киритишга йўл қўймаслик чораларини кўриш;

назорат тадбирлари доирасида аниқланадиган қонун бузилиши ҳолатларини ва уларнинг келиб чиқишига имкон берувчи омилларни бартараф этиш чораларини кўриш.

Ишчи гуруҳ **ҳар икки ҳафтада** Лойиҳа ва Дастур ижроси доирасида амалга оширилган назорат тадбирлари ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин.

**11.** Энергетика вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

**12.** Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб энергетика вазири Ж.Мирзамаҳмудов, Тошкент шаҳар ҳокими в.б. Б.Рахмонов ҳамда “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ бошқаруви раиси У.Мустафоев белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**



**Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри



**2023 йилда Тошкент шаҳри электр таъминотини яхшилашга қаратилган 35–110 кВ кучланишли электр тармоқларини ривожлантириш  
ЛОЙИХАСИ**

Т/р	Лойиҳа номи	Лойиҳа қуввати	Жалб қилинадиган ресурслар		Талаб этиладиган маблағ, млрд сўм	Шундан	Муддати	Масъул ижрочи
			техника	ходимлар		қурилиш монтаж ишларига,* млрд сўм		
<b>Ҳаммаси</b>			<b>165</b>	<b>590</b>	<b>3 561,7</b>	<b>764,9</b>		"Худудий электр тармоқлари" АЖ (Р.Раимов)
<b>I. Янги қурилиш жами</b>			<b>73</b>	<b>204</b>	<b>2 596</b>	<b>572</b>		
<b>1</b>	<b>Юнусобод тумани истеъмолчиларининг электр таъминотини яхшилаш</b>		<b>18</b>	<b>56</b>	<b>250</b>	<b>75</b>	2023 йил 5 июнь	"Олмалиқ КМК" АЖ (К.Салимов)**
1.1	"Юнусобод сити" ҳудудида подстанция қуриш	2х63 МВА	4	16	140,0	35,0		
1.2	"Юнусобод сити" подстанциясигача 110 кВ кабель тармоғини қуриш	2х1,1 км	6	12	70,0	28,0		
1.3	"Юнусобод" подстанциясини 110 кВ "Л-Док-1, 2"га ўтказиш	2х2,3 км	8	28	40,0	12,0		
<b>2.</b>	<b>Шайхонтоҳур тумани истеъмолчиларининг электр таъминотини яхшилаш</b>		<b>22</b>	<b>52</b>	<b>1 933,0</b>	<b>390,3</b>	2023 йил 5 июнь	"Ўзавтосаноат" АЖ (Ф.Тўраев)***
2.1	"Тошкент сити" объекти ҳудудида подстанция қуриш	2х80 МВА	4	16	125,0	28,7		
2.2	"Тошкент" ИЭМдан "Тошкент сити" подстанциясигача 110 кВ кабель тармоғини қуриш	2х7 км	6	12	140,0	28,0		
2.3	"Тракторсоз" подстанциясидан "Тошкент сити" подстанциясигача 110 кВ кабель тармоғини қуриш	2х25 км	6	12	1 500,0	300,0		
2.4	"Тошкент сити" подстанциясидан РП-1 ва РП-2га борувчи 35 кВли кабель тармоғини кириш-чиқиш схемаси орқали улаш	2х2х3 2,8 км	6	12	168,0	33,6		
								"Навоий КМК" АЖ (Ф.Бахронов)**

Т/р	Лойиҳа номи	Лойиҳа қуввати	Жалб қилинадиган ресурслар		Талаб этиладиган маблағ, млрд сўм	Шундан қурилиш монтаж ишларига,* млрд сўм	Муддати	Масъул ижрочи
			техника	ходимлар				
<b>3.</b>	<b>Яшнобод тумани истеъмолчиларининг электр таъминотини яхшилаш</b>		<b>11</b>	<b>32</b>	<b>133,0</b>	<b>33,6</b>	2023 йил 4 июнь	"Худудий электр тармоқлари" АЖ (Р.Раимов)
3.1	"Олмос" маҳалласи ҳудудида 110 кВ кучланишли подстанция қуриш	2х63 МВА	5	16	110,0	27,4		
3.2	"Олмос" подстанциясигача 110 кВ кучланишдаги электр узатиш тармоғини қуриш	2х3,0 км	6	16	23,0	6,2		
<b>4.</b>	<b>Мирзо Улўбек тумани истеъмолчиларининг электр таъминотини яхшилаш</b>		<b>11</b>	<b>32</b>	<b>166,0</b>	<b>37,4</b>	2023 йил 4 июнь	"Ўзметкомбинат" АЖ (А.Тажибаев)**
4.1	"Янги Ўзбекистон" подстанциясини қуриш	2х63 МВА	5	16	110,0	33,4		
4.2	"Тракторсоз" подстанциясидан "Янги Ўзбекистон" подстанциясигача 110 кВ кучланишдаги электр узатиш тармоғини қуриш	2х8,2 км	6	16	56,0	4,0		
<b>5.</b>	<b>Янгиҳаёт тумани истеъмолчиларининг электр таъминотини яхшилаш</b>		<b>11</b>	<b>32</b>	<b>113,8</b>	<b>35,2</b>	2023 йил 4 июнь	"Ўзавтосаноат" АЖ (Ф.Тўраев)***
5.1	"Янгиҳаёт индустриал технопарк" подстанциясини қуриш	2х63 МВА	5	16	110,0	34,1		
5.2	110 кВ кучланишдаги электр узатиш тармоғини қуриш	2х2,5 км	6	16	3,8	1,1		
<b>II. Модернизация қилиш жами</b>			<b>92</b>	<b>386</b>	<b>966</b>	<b>193</b>		
<b>1.</b>	<b>Юнусобод тумани истеъмолчиларининг электр таъминотини яхшилаш</b>		<b>36</b>	<b>176</b>	<b>176,4</b>	<b>35,5</b>	2023 йил 5 июнь	"Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖ (А.Назиров)**
1.1	110 кВ "Л-Сокин-1,2" ҳаво тармоғини замонавий симга алмаштириш	2х11 км	16	80	26,4	5,5		
1.2	"Юнусобод ПС"ни реконструкция қилиш	2х63 МВА	4	16	75,0	15,0		
1.3	"Тошкент ИЭС" ва "ДОК" подстанцияси оралиғидаги 30 км 110 кВ электр узатиш тармоғини замонавий симга алмаштириш	2х15 км	16	80	75,0	15,0		



Т/р	Лойиҳа номи	Лойиҳа қуввати	Жалб қилинадиган ресурслар		Талаб этиладиган маблағ, млрд сўм	Шундан қурилиш монтаж ишларига,* млрд сўм	Муддати	Масъул ижрочи
			техника	ходимлар				
2.	<b>Шайхонтоҳур тумани истеъмолчиларининг электр таъминотини яхшилаш</b>		15	42	277,0	55,4	2023 йил 5 июнь	"Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ (Р.Раимов)
2.1	"Озодлик" подстанцияси ва "Айни" подстанцияси оралиғидаги 110 кВ кабель тармоғини янгилаш	2x5,5 км	9	24	220,0	44,0		
2.2	"Сокин" подстанцияси ва "Хадра" подстанцияси оралиғидаги 35 кВ кабель тармоғини янгилаш	2x3,8 км	6	18	57,0	11,4		
3.	<b>Яшнобод тумани истеъмолчиларининг электр таъминотини яхшилаш</b>		16	80	97,5	19,5	2023 йил 4 июнь	"Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖ (А.Назиров)**
3.1	"Қўйлиқ" подстанцияси ва "Ҳосилот" подстанцияси оралиғидаги 110 кВ электр узатиш тармоғини замонавий симга алмаштириш	2x6,5 км	16	80	97,5	19,5		
4.	<b>Олмазор тумани истеъмолчиларининг электр таъминотини яхшилаш</b>		4	16	62,0	12,4	2023 йил 4 июнь	"Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ (Р.Раимов)
4.1	"Сағбон" подстанциясини реконструкция қилиш	2x40 МВА	4	16	62,0	12,4		
5.	<b>Мирзо Улуғбек тумани истеъмолчиларининг электр</b>		8	32	130,0	26,0	2023 йил 4 июнь	"Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ (Р.Раимов)
5.1	"Ботаника" подстанциясини реконструкция қилиш	2x80 МВА	4	16	75,0	15,0		
5.2	"Ботаника" подстанцияси ва "Астрономия" подстанцияси оралиғидаги 35 кВ кабель тармоғини янгилаш	2x3,7 км	4	16	55,0	11,0		
6.	<b>Миробод тумани истеъмолчиларининг электр таъминотини</b>		13	40	223,0	44,6	2023 йил 4 июнь	"Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ (Р.Раимов)
6.1	"Қўқон" подстанциясини реконструкция қилиш	2x63 МВА	4	16	75,0	15,0		
6.2	"Юксак" подстанцияси ва "Қўқон" подстанцияси оралиғидаги 110 кВ кабель тармоғини янгилаш	2x3,7 км	9	24	148,0	29,6		

\*Қурилиш-монтаж ишлари корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

\*\*Қурилиш ишлари яқунлангандан сўнг қурилган объектлар "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ, "Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси" филиалига беғараз топширилади.

\*\*\*Лойиҳа доирасида "Ўзавтосаноат" АЖ пудрат ишларини молиялаштириш вазифасини амалга оширади, қурилиш ишлари яқунлангандан сўнг қурилган объектлар "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ, "Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси" филиалига беғараз топширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2023 йил 11 мартдаги ПҚ–91-сон қарорига  
2-илова

**“Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ ва “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ ўртасида  
ўзаро топшириладиган ва қабул қилиб олинadиган электр тармоқлари объектлари  
РЎЙХАТИ**

Т/р	Топшириладиган объектлар номи	Ўлчов бирлиги	Сони (миқдори)	Жойлашган жойи	Балансда сақловчи	Қабул қилувчи	Изоҳ
1.	110 кВ кучланишли икки занжирли Л-Акса-1 ва Акса-2 электр узатиш ҳаво тармоқлари (Л-2-Б-1 ва Л-2-Б-2)	км	0,725	Тошкент вилояти Қибрай тумани	“Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ	“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ	“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ устав капиталидаги давлат улушини ошириш ҳисобига “Тошкент шаҳар магистрал электр тармоқлари” филиалига ўтказилади
2.	110 кВ кучланишли икки занжирли Л-Акса-3 ва Акса-4 электр узатиш ҳаво тармоқлари (Л-2-С-1 ва Л-2-С-2)	км	0,748				
3.	110 кВ кучланишли икки занжирли Л-Сокин-1 ва Сокин-2 (“АКСА ЭНЕРЖИ” (Туркия) станциясининг 110 кВ ОТҚдан мавжуд 110 кВ электр узатиш ҳаво тармоқларининг 66-таянчигача бўлган чиқиш қисми)	км	0,107				
4.	110 кВ кучланишли икки занжирли Л-Ботаника-1 ва Ботаника-2 (“АКСА ЭНЕРЖИ” (Туркия) станциясининг 110 кВ ОТҚдан мавжуд 110 кВ электр узатиш ҳаво тармоқларининг 66-таянчигача бўлган чиқиш қисми)	км	0,121				
5.	“Сокин” подстанциясидаги асосий ҳимоя панеллари	жамланма	2		Тошкент шаҳри	“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ	“Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ устав капиталига давлат улуши сифатида берилади



**2023–2025 йилларда Тошкент шаҳрининг паст кучланишли электр тармоқларини янгилаш дастурининг  
МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Т/р	Туманлар номи	2023–2025 йилларда жами			Шундан 2023 йилда			Масъул ижрочилар
		электр узатиш тармоқлари (км)	трансформатор пунктлари (бирлик)	талаб этиладиган маблағ (млн сўм)	электр узатиш тармоқлари (км)	трансформатор пунктлари (бирлик)	талаб этиладиган маблағ (млн сўм)	
<b>Жами</b>		<b>2 969,8</b>	<b>703</b>	<b>721 936</b>	<b>903,3</b>	<b>228</b>	<b>221 880</b>	<b>"Худудий электр тармоқлари" АЖ раисининг биринчи ўринбосари Р.Раимов</b>
1	Бектемир тумани	167,6	33	37 272	45,6	10	10 331	Туман ҳокими – Т.Махаматзияев, Туман электр таъминоти корхонаси бошлиғи – Б.Махаматжонов
2	Мирзо Улугбек тумани	259,8	79	72 256	72,6	24	20 602	Туман ҳокими – Ш.Иргашев, Туман электр таъминоти корхонаси бошлиғи – С.Ражабов
3	Миробод тумани	209,4	42	46 968	58,8	13	13 414	Туман ҳокими – Ш.Пўлатов, Туман электр таъминоти корхонаси бошлиғи – А.Ортиқов
4	Олмазор тумани	305,6	88	82 432	88,6	28	24 420	Туман ҳокими – А.Умархонов, Туман электр таъминоти корхонаси бошлиғи – Р.Мирсултонов
5	Сергели тумани	235,8	65	62 096	66,8	22	18 332	Туман ҳокими – Э.Шукуров, Туман электр таъминоти корхонаси бошлиғи – З.Тўраев
6	Учтепа тумани	231,3	53	55 316	45,6	14	11 596	Туман ҳокими – Ф.Абдуллаев, Туман электр таъминоти корхонаси бошлиғи – Ш.Мансурходжаев
7	Чилонзор тумани	353,5	76	81 940	105,7	23	24 553	Туман ҳокими – С.Холхўжаев, Туман электр таъминоти корхонаси бошлиғи – Б.Холбоев
8	Шайхонтоҳур тумани	286,2	71	71 264	94,6	23	23 462	Туман ҳокими – Б.Зоҳидов, Туман электр таъминоти корхонаси бошлиғи – А.Мусамедов
9	Юнусобод тумани	162,7	31	35 644	79	12	16 746	Туман ҳокими – Б.Абдувалиев, Туман электр таъминоти корхонаси бошлиғи – С.Вафаев
10	Яккасарой тумани	163,8	39	39 936	46,1	16	12 234	Туман ҳокими – А.Сайфутдинов, Туман электр таъминоти корхонаси бошлиғи – А.Исмоилов
11	Янгиҳаёт тумани	238,3	55	57 196	85,9	18	20 261	Туман ҳокими – Х.Иногамов, Туман электр таъминоти корхонаси бошлиғи – Ш.Умаров
12	Яшнобод тумани	355,8	71	79 616	114	25	25 930	Туман ҳокими – Б.Раҳмонқулов, Туман электр таъминоти корхонаси бошлиғи – У.Аҳмедов

2023 йилда Тошкент шаҳри Бектемир туманининг паст кучланишли электр тармоқларини янгилаш дастурининг  
МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ

Т/р	Лойиҳа номи	Жами		Шу жумладан							
		0,4–10 кВ ЭУТ	ТП	янги қурилиш				реконструкция			
				ЭУТ (км)			ТП (та)	ЭУТ (км)			ТП (та)
				жами	0,4 кВ	6–10 кВ		жами	0,4 кВ	6–10 кВ	
<b>Жами</b>		<b>45,60</b>	<b>10</b>	<b>6,30</b>	<b>0,50</b>	<b>5,80</b>	<b>3</b>	<b>39,30</b>	<b>39,30</b>		<b>7</b>
1	"Мусаффо" МФЙ, Хислат кўчасидаги янги ГКТП (400/10кВА) ўрнатиш. ТП-83да 0,4 кВ та+В9:В18 тармоқларни реконструкция қилиш.	5,00	1	0,20		0,20	1	4,80	4,80		
2	"Мусаффо" МФЙда ТП-396ни реконструкция қилиш.		1								1
3	"Забардаст" МФЙдаги ТП-150 ва ундан чиқувчи 0,4 кВ тармоқни реконструкция қилиш ҳамда юқори кучланишли тармоқ қуриш.	3,90	1	0,10		0,10		3,80	3,80		1
4	"Забардаст" МФЙда ТП-878дан чиқувчи 0,4 кВ тармоқни реконструкция қилиш. ТП-878 юклама билан ишлаганлиги туфайли ф.Қумовул-6 кВ тармоғига қўшимча (қайта юкловчи) Боғи эрам кўчасида янги ГКТП қуриш.	10,90	1	2,00		2,00	1	8,90	8,90		
5	"Ийк-ота" МФЙда ТП-271ни ҳамда ундан чиқувчи 0,4 кВ тармоқни реконструкция қилиш.	5,00	1					5,00	5,00		1
6	"Ийк-ота" МФЙда ТП-609ни ҳамда ундан чиқувчи 0,4 кВ тармоқни реконструкция қилиш ҳ+В9:В18амда юқори кучланишли тармоқ қуриш.	7,10	1	0,10		0,10		7,00	7,00		1
7	"Ийк-ота" МФЙда ТП-761ни реконструкция қилиш.		1								1
8	"Ийк-ота" МФЙда ТП-609ни ҳамда ундан чиқувчи 0,4 кВ тармоқни реконструкция қилиш ҳамда юқори кучланишли тармоқ қуриш.	5,40	1	1,60		1,60		3,80	3,80		1
9	"Нурли йўл" МФЙда ТП-484ни ҳамда ундан чиқувчи 0,4 кВ тармоқни реконструкция қилиш. Ҳамда юқори ва паст кучланишли тармоқларни қуриш.	6,60	1	0,60	0,50	0,10		6,00	6,00		1
10	"Устозлар" МФЙ Зумрад кўчасида янги ТП ва юқори кучланишли тармоқ қуриш.	1,70	1	1,70		1,70	1				





Т/р	Лойиҳа номи	Жами		Шу жумладан									
		0,4–10 кВ ЭУТ	ТП	янги қурилиш				реконструкция					
				ЭУТ (км)			ТП (та)	ЭУТ (км)			ТП (та)		
				жами	0,4 кВ	6–10 кВ		жами	0,4 кВ	6–10 кВ			
20	"Х.Абдуллаева" МФЙда ТП-1576ни реконструкция қилиш.		2										2
21	"Дархон" МФЙда ТП-459дан чиқувчи 0,4 кВ тармоқни реконструкция қилиш.	1,80							1,80	1,80			
22	"Алишер Навоий" МФЙда ТП-6249дан чиқувчи 0,4 кВ тармоқни реконструкция қилиш.	3,20							3,20	3,20			
23	"Оққўрғон" МФЙда ТП-526дан чиқувчи 0,4 кВ тармоқни реконструкция қилиш.	1,80							1,80	1,80			
24	"Иқтидор" МФЙда ТП-260дан чиқувчи 0,4 кВ тармоқни реконструкция қилиш.	3,10							3,10	3,10			
25	"Олмачи" МФЙда ТП-389дан чиқувчи 0,4 кВ тармоқни реконструкция қилиш.	3,54							3,54	3,54			
26	"Олмачи" МФЙда ТП-1942дан чиқувчи 0,4 кВ тармоқни реконструкция қилиш.	3,20							3,20	3,20			
27	"Олмачи" МФЙда ТП-812дан чиқувчи 0,4 кВ тармоқни реконструкция қилиш.	2,40							2,40	2,40			
28	"Подшобоғ" МФЙда ТП-1565дан чиқувчи 0,4 кВ тармоқни реконструкция қилиш.	3,20							3,20	3,20			
29	"Подшобоғ" МФЙда ТП-1811дан чиқувчи 0,4 кВ тармоқни реконструкция қилиш.	2,50							2,50	2,50			
30	"Шукур Бурхонов" МФЙда Чароғон подстанцияси ва РП Курчатовни боғловчи Ф.Курчатова-1-2 электр тармоқларини реконструкция қилиш.	5,40							5,40		5,40		
31	"Шўртепа" МФЙда Чороғон подстанцияси ва ТП-2274 боғловчи Ф.Зеркальный электр тармоғини реконструкция қилиш.	6,40							6,40		6,40		
32	"Лашкарбеги" МФЙда Астрономия подстанцияси ва РП Цветметни боғловчи Ф.Цветмет электр тармоғини реконструкция қилиш.	9,40							9,40		9,40		
33	"Асака" МФЙда ТП-996, ТП-482 ва ТП-1675 боғловчи Ф.Автодор-1-2 электр тармоқларини реконструкция қилиш.	4,10							4,10		4,10		
34	"Сайрам" МФЙда ТП-1756 ва ТП-884 боғловчи Ф.Лафарга электр тармоқларини реконструкция қилиш.	6,20							6,20		6,20		



Т/р	Лойиҳа номи	Жами		Шу жумладан								
		0,4–10 кВ ЭУТ	ТП	янги қурилиш				реконструкция				
				ЭУТ (км)			ТП (та)	ЭУТ (км)			ТП (та)	
				жами	0,4 кВ	6–10 кВ		жами	0,4 кВ	6–10 кВ		
35	"Турон" МФЙда РП-Пяндж ва ТП-3728 боғловчи Ф.Морской электр тармоғини реконструкция қилиш.	4,80							4,80		4,80	
36	"Сайрам" МФЙда Ф.Маресева ТП-1883, ТП-145, ТП-934 боғловчи электр тармоқларини реконструкция қилиш.	4,80							4,80		4,80	
37	"Шаҳрисабз" МФЙда ТП-2115, ТП-2116 ва ТП-2117 боғловчи Ф.Машраб-1-2 электр тармоқларини реконструкция қилиш.	4,90							4,90		4,90	
38	"Шалола" МФЙда ТП-1991 ва 19, 17, 24-сон уйларни боғловчи электр тармоқларини реконструкция қилиш.	0,27							0,27		0,27	
39	"Бўз" МФЙда Ф.Лафарга-1-2 ТП-265 7-сон уйни боғловчи электр тармоқларини реконструкция қилиш.	0,10							0,10		0,10	
40	"Феруза" МФЙ, Ф.Восток-1-2 ТП-2235 57,37,51-сон уйларни боғловчи электр тармоқларини реконструкция қилиш.	0,30							0,30		0,30	
42	"Бўз" МФЙ, Ф.Лафарга-1-2 ТП-265 7, 8-сон уйларни боғловчи электр тармоқларини реконструкция қилиш.	0,19							0,19		0,19	

**2023 йилда Тошкент шаҳри Миробод туманининг паст кучлианишли электр тармоқларини янгилаш дастурининг  
МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ**

Т/р	Лойиҳа номи	Жами		Шу жумладан							
		0,4–10 кВ ЭУТ	ТП	янги қурилиш			ТП (та)	реконструкция			
				ЭУТ (км)				ЭУТ (км)			ТП (та)
				жами	0,4 кВ	6-10 кВ		жами	0,4 кВ	6–10 кВ	
<b>Жами</b>		<b>58,80</b>	<b>13</b>				<b>3</b>	<b>58,8</b>		<b>58,8</b>	<b>10</b>
1	"Янги Замон" МФЙда ТП-841 ва ТП-156 чиқувчи 0В9:В35,4 кВ тармоқларини реконструкция қилиш.	8,45						8,45		8,45	
2	"Иноқобод" МФЙда ТП-506 ва ундан чиқувчи 0,4 кВ тармоғини реконструкция қилиш.	1,03	1					1,03		1,03	1
3	"Байналминал" МФЙда ТП-112дан чиқувчи 0,4 кВ ҳаво тармоғини реконструкция қилиш.	1,37	0					1,37		1,37	
4	"Янги Миробод" МФЙ, Мироншоҳ кўчасида ТП-3605дан чиқувчи 0,4 кВ тармоқни реконструкция қилиш.	0,50						0,50		0,50	
5	"Байналмилал" МФЙ Мироншоҳ 3-тор кўчасида ТП-676дан чиқувчи 0,4 кВ тармоқни реконструкция қилиш.	2,60						2,60		2,60	
6	"Темирйўлчилар" МФЙ Қизил Арват кўчасида ТП-1535дан чиқувчи 0,4 кВ тармоқни реконструкция қилиш.	2,50						2,50		2,50	
7	"Саракўл" МФЙ Саракўл кўчасида ТП-3609дан чиқувчи 0,4 кВ тармоқни реконструкция қилиш.	2,60						2,60		2,60	
8	"Файзобод" МФЙ, Файзобод 1-тор кўчасида 305 ва 364-сон ТПлардан чиқувчи 0,4 кВ тармоқларни реконструкция қилиш.	7,60						7,60		7,60	
9	"Файзобод" МФЙ Файзобод кўчасида ТП-2339дан чиқувчи 0,4 кВ тармоқни реконструкция қилиш.	1,80						1,80		1,80	
10	"Тонг Юлдузи" МФЙ Сайхун кўчасида ТП-1328дан чиқувчи 0,4 кВ тармоқни реконструкция қилиш.	0,20						0,20		0,20	
11	"Иноқобод" МФЙ Иноқобод кўчасида ТП-1044 ва ундан чиқувчи 0,4 кВ тармоқни реконструкция қилиш.	3,00	1					3,00		3,00	1



Т/р	Лойиҳа номи	Жами		Шу жумладан							
		0,4–10 кВ ЭУТ	ТП	янги қурилиш				реконструкция			
				ЭУТ (км)			ТП (та)	ЭУТ (км)			ТП (та)
				жами	0,4 кВ	6–10 кВ		жами	0,4 кВ	6–10 кВ	
12	"Наврўз" МФЙ Чавандоз кўчасида ТП-148дан чиқувчи 0,4 кВ тармоқни реконструкция қилиш.	2,50						2,50		2,50	
13	"Парвона" МФЙ Парвона кўчасида ТП-291дан чиқувчи 0,4 кВ тармоқни реконструкция қилиш.	4,50						4,50		4,50	
14	"Темирйўлчилар" МФЙда ТП-100бдан чиқувчи 0,4 кВ тармоқни реконструкция қилиш.	0,40						0,40		0,40	
15	"Миробод" МФЙ, Катта Миробод кўчаси ТП-556ни реконструкция қилиш.		1								1
16	"Наврўз" МФЙ, Чамбил кўчаси, ТП-1129ни электр тармоқларини реконструкция қилиш.		1								1
17	"Байналминал" МФЙ, Мироншоҳ кўчаси, ТП-754дан чиқувчи 0,4 кВ тармоғини реконструкция қилиш.	2,50						2,50		2,50	
18	"Оқ уй" МФЙ, Бешкент кўчаси, ТП-280дан чиқувчи 0,4 кВ тармоқни реконструкция қилиш.	4,50						4,50		4,50	
19	"Истиқлолобод" МФЙ, Саракўл кўчаси, ТП-514 ва ундан чиқувчи 0,4 кВ тармоқни реконструкция қилиш.	2,80	1					2,80		2,80	1
20	"Янгизамон" МФЙ, Банокатий кўчаси, ТП-1471 ва ундан чиқувчи 0,4 кВ тармоқни реконструкция қилиш.	4,00	1					4,00		4,00	1
21	"Темирйўлчилар" МФЙ Темирйўлчилар кўчасида ТП-38дан чиқувчи 0,4 кВ тармоқни реконструкция қилиш.	4,22						4,22		4,22	
22	"Миробод" МФЙ, Нукус кўчасида ТП-3607 ва 3, 5, 86/2, 90-кўп қаватли уйлар оралиғидаги 0,4 кВ тармоқни реконструкция қилиш.	0,58						0,58		0,58	
23	"Чинор" МФЙ, Мунис кўчаси, ТП-659 ва 17 ва 18-кўп қаватли уйлар оралиғидаги 0,4 кВ тармоқни реконструкция қилиш.	0,20						0,20		0,20	
24	"Тол Ариқ" МФЙ, Қўйлиқ-4 кўчасида ТП-546 ва 4-кўп қаватли ўйни орасидаги 0,4 кВ тармоқни реконструкция қилиш.	0,25						0,25		0,25	

Т/р	Лойиҳа номи	Жами		Шу жумладан								
		0,4–10 кВ ЭУТ	ТП	янги қурилиш				реконструкция				
				ЭУТ (км)			ТП (та)	ЭУТ (км)			ТП (та)	
				жами	0,4 кВ	6–10 кВ		жами	0,4 кВ	6–10 кВ		
25	"Зиёнур" МФЙ, Қўйлиқ-3 кўчасида ТП-2396 ва 13 ва 14-кўп қаватли уйлар оралиғидаги 0,4 кВ тармоқни реконструкция қилиш.	0,14							0,14		0,14	
26	"Фаровон" МФЙ, Ойбек кўчасида ТП-2504 ҳамда ундан чиқувчи ва 10/1-кўп қаватли уйлар оралиғидаги 0,4 кВ тармоқни реконструкция қилиш.	0,20	1						0,20		0,20	1
27	"Чинор" МФЙ, Мунис кўчасида ТП-987 ҳамда ундан чиқувчи ва 9,8 ва 7-кўп қаватли уйлар оралиғидаги 0,4 кВ тармоқни реконструкция қилиш.	0,20	2						0,20		0,20	2
28	"Ш.Рашидов" МФЙ, Т.Шевченко кўчаси ТП-6093дан 13, 15 ва 19-кўп қаватли уйларни таъминловчи 0,4 кВ тармоқни реконструкция қилиш.	0,17							0,17		0,17	
29	"Афросиёб" МФЙ, Чимкент кўчаси ТП-2107дан 23 ва 23/1-кўп қаватли уйларни таъминловчи 0,4 кВ тармоқни реконструкция қилиш.	0,2							0,2		0,2	
30	"Авлоний" МФЙ, Госпитальный кўчаси ТП-2968дан 9 ва 8-кўп қаватли уйларни таъминловчи 0,4 кВ тармоқни реконструкция қилиш.	0,34							0,34		0,34	
31	"Авлоний" МФЙ, Госпитальный кўчаси ТП-306дан 7-кўп қаватли уйларни таъминловчи 0,4 кВ тармоқни реконструкция қилиш.	0,17							0,17		0,17	
32	"Фурқат" МФЙ, Бехтерева кўчаси ТП-1392дан 109-кўп қаватли уйларни таъминловчи 0,4 кВ тармоқни реконструкция қилиш.	0,25							0,25		0,25	
33	"Ойбек" МФЙ, Саид Барака кўчаси ТП-3209дан 21-кўп қаватли уйларни таъминловчи 0,4 кВ тармоқни реконструкция қилиш.	0,17							0,17		0,17	
34	"Фитрат" МФЙ, Баёт кўчаси, ТП-1310нинг қувватини 630/6 кВАга ошириш.		1									1
35	"Байналминал" МФЙ, Оғабегим кўчасида янги 2 ГКТП қуриш.		2					2				
36	"Оқ уй" МФЙ, Оқ билал кўчасида янги ТП қуриш.		1					1				



**2023 йилда Тошкент шаҳри Олмазор туманининг паст кучлианшли электр тармоқларини янгилаш дастурининг  
МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ**

Т/р	Лойиҳа номи	Жами		Шу жумладан							
				янги қурилиш				реконструкция			
		0,4–10 кВ ЭУТ	ТП	ЭУТ (км)			ТП (та)	ЭУТ (км)			ТП (та)
				жами	0,4 кВ	6–10 кВ		жами	0,4 кВ	6–10 кВ	
<b>Жами</b>		<b>88,60</b>	<b>28</b>	<b>0,60</b>	<b>0,60</b>		<b>1</b>	<b>88,00</b>	<b>66,32</b>	<b>21,68</b>	<b>27</b>
1	"Аҳил" МФЙда ТП-3811 қувват юкламани тақсимлаш мақсадида янги ТП қуриш.	0,60	1	0,60	0,60		1				
2	"Намуна" МФЙда ТП-2505дан чиқувчи 0,4 кВ электр тармоғини реконструкция қилиш.	2,00						2,00		2,00	
3	"Намуна" МФЙда ТП-1837дан чиқувчи 0,4 кВ электр тармоғини реконструкция қилиш.	2,00						2,00		2,00	
4	"Қорасарой" МФЙда ТП-569дан чиқувчи 0,4 кВ электр тармоғини реконструкция қилиш.	1,50						1,50		1,50	
5	"Намуна Қумлоқ" МФЙда ТП-641дан чиқувчи 0,4 кВ электр тармоғини реконструкция қилиш.	4,24						4,24		4,24	
6	"Қўштут" МФЙда ТП-985дан чиқувчи 0,4 кВ электр тармоғини реконструкция қилиш.	4,01						4,01		4,01	
7	"М.Ғолиб" МФЙда ТП-433дан чиқувчи 0,4 кВ электр тармоғини реконструкция қилиш.	2,30						2,30		2,30	
8	"Эски шаҳар" МФЙда ТП-703дан чиқувчи 0,4 кВ электр тармоғини реконструкция қилиш.	2,20						2,20		2,20	
9	"Беруний" МФЙда ТП-2630 ва ТП-1897дан чиқувчи 0,4 кВ электр тармоғини реконструкция қилиш.	2,00						2,00		2,00	
10	"Қуёш" МФЙда ТП-4309дан чиқувчи 0,4 кВ электр тармоғини реконструкция қилиш.	0,85						0,85		0,85	
11	"Эски шаҳар" МФЙда ТП-5967дан 37-кўп қаватли уйларни таъминловчи 0,4 кВ кабель тармоғини алмаштириш.	0,21						0,21		0,21	

Т/р	Лойиҳа номи	Жами		Шу жумладан								
		0,4–10 кВ ЭУТ	ТП	янги қурилиш				реконструкция				
				ЭУТ (км)			ТП (та)	ЭУТ (км)			ТП (та)	
				жами	0,4 кВ	6–10 кВ		жами	0,4 кВ	6–10 кВ		
12	"Гузарбоши" МФЙда ТП-5966дан 7, 8-кўп қаватли уйларни таъминловчи 0,4 кВ кабель тармоғини алмаштириш.	0,37							0,37		0,37	
13	"Чуқурсой" МФЙда РП ФГУ ва ТП-1681 оралиғидаги 6 кВ Ф. Ширин электр тармоғини реконструкция қилиш.	1,50							1,50	1,50		
14	"Пахта" МФЙда, ПС Сағбон ва ТП-5081, ТП-612 оралиғидаги 10 кВ Ф.АРЗ-1, 2 электр тармоқларини реконструкция қилиш.	4,20							4,20	4,20		
15	"Пахта" МФЙда, ТП-2929, 2413, 4824 оралиғидаги 10 кВ Ф.АРЗ-1, 2, электр тармоғини реконструкция қилиш.	1,27							1,27	1,27		
16	"Мискин" МФЙда, ПС Сокин ва ТП-1403 оралиғидаги 6 кВ Ф. Магистрал электр тармоғини реконструкция қилиш.	12,00							12,00	12,00		
17	"Ислом ота" МФЙда, ТП-2015,3198,2016 оралиғидаги 10 кВ электр тармоғини реконструкция қилиш.	6,00							6,00	6,00		
18	"Олимпия" МФЙда, "М.Ғолиб" МФЙда ТП-4975, 1897 оралиғидаги 10 кВ Ф.Геология-1,2 электр тармоғини реконструкция қилиш.	12,00							12,00	12,00		
19	"Себзор" МФЙда, "Ҳазрат Имом" МФЙда ТП-4242, 4198 оралиғидаги 10 кВ Ф.Оромгоҳ-1,2 электр тармоғини реконструкция қилиш.	4,00							4,00	4,00		
20	"Пахта" МФЙда, "Гулсарой" МФЙда Сағбон ПС ва ТП-329, 493 оралиғида 10 кВ Ф.Жомий-1,2 электр тармоғини реконструкция қилиш.	5,00							5,00	5,00		
21	"Пахта" МФЙда, Мойариқ ПС Сағбон ва ТП-5080, 6281 оралиғидаги 6 кВ Ф.Келес-1,2 электр тармоғини реконструкция қилиш.	6,60							6,60	6,60		
22	"Гулзор" МФЙда, РП Хасанбой ва ТП-3108 оралиғида 6 кВ Ф.Полевой-1,2 электр тармоғини реконструкция қилиш.	2,70							2,70	2,70		









**2023 йилда Тошкент шаҳри Сергели туманининг паст кучлианшли электр тармоқларини янгилаш дастурининг  
МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ**

Т/р	Лойиҳа номи	Жами		Шу жумладан							
		0,4–10 кВ ЭУТ	ТП	янги қурилиш				реконструкция			
				ЭУТ (км)			ТП (та)	ЭУТ (км)			ТП (та)
				жами	0,4 кВ	6–10 кВ		жами	0,4 кВ	6–10 кВ	
<b>Жами</b>		<b>66,81</b>	<b>22</b>	<b>0,50</b>	<b>0,50</b>		<b>5</b>	<b>66,31</b>	<b>34,1</b>	<b>32,21</b>	<b>17</b>
1	"Хонободтепа" МФЙда Ф.Навоийга ГКТП 630/6 кВА бўлган янги трансформатор пунктини ўрнатиш.	0,5	1	0,50	0,50		1				
2	"Жалойир" МФЙда Ф.Навоийга янги ГКТП 630/6 кВА ўрнатиб, 0,4 кВ тармоғини реконструкция қилиш.	5,30	1				1	5,30	5,30		
3	"Жалойир" МФЙда ТП-1643га ГКТП 400/6 кВА ўрнатиб, 0,4 кВ тармоғини реконструкция қилиш.	4	1				1	4,00	4,00		
4	"Қўшқўрғон" МФЙда ТП-4112ни реконструкция қилиш.		1								1
5	"Ўзгариш" МФЙда ТП-4048ни ва ундан чиқувчи 0,4 кВ тармоқни реконструкция қилиш.	3,2	1					3,20	3,20		1
6	"Ҳабибий" МФЙда ТП-4044ни реконструкция қилиш.		1								1
7	"Ўзгариш" МФЙда ТП-4049ни реконструкция қилиш.		1								1
8	"Эзгулик" МФЙда ТП-3872ни ва ундан чиқувчи реконструкция қилиш.	3,4	1					3,40	3,40		1
9	"Зийнат" МФЙда ТП-3738ни реконструкция қилиш.		1								1
10	"Қўшқўрғон" МФЙда ТП-3581нинг 0,4 кВ электр тармоғини реконструкция қилиш.	4						4,00	4,00		
11	"Қўшқўрғон" МФЙда ТП-3591нинг 0,4 кВ электр тармоғини реконструкция қилиш.	2						2,00	2,00		

Т/р	Лойиҳа номи	Жами		Шу жумладан								
				янги қурилиш				реконструкция				
		0,4–10 кВ ЭУТ	ТП	ЭУТ (км)			ТП (та)	ЭУТ (км)			ТП (та)	
				жами	0,4 кВ	6–10 кВ		жами	0,4 кВ	6–10 кВ		
12	"Жунариқ" МФЙда янги ГКТП 630/6 кВА русумли ТПни ўрнатиш.		1					1				
13	"Жунариқ" МФЙда ТП-3666ни юксизлантириш учун янги ГКТП 630/6 кВА русумли ТП ўрнатиш.		1									1
14	"Белариқ" МФЙда янги ГКТП 630/10 кВА русумли ТП ўрнатиш.		1									1
15	"Кенгмакон" МФЙда Ф.Бозор янги ГКТП 630/6 кВА русумли ТП ўрнатиш ва 0,4 кВ электр тармоғини реконструкция қилиш.	1,8	1						1,8	1,8		1
16	"Зийнат" МФЙда ТП-4010нинг 160/10 кВА трансформатор қувватини 630/10 кВАга ошириш.		1									1
17	"Халқобод" МФЙда ТП-3063дан чиқувчи 43,48,47-кўп қаватли уйларни таъминловчи 0,4 кВ кабелларни янгилаш.	2,7	1						2,70	2,70		1
18	"Кенгмакон" МФЙда Ф.Титан янги ГКТП 630/10 кВА русумли ТП ўрнатиш.		1					1				
19	"Нурҳаёт" МФЙда ТП-2899нинг 400/10 кВА трансформатор қувватини 630/10 кВАга ошириш.		1									1
20	"Нурҳаёт" МФЙда ТП-2850нинг 400/10 кВА трансформатор қувватини 630/10 кВАга ошириш.		1									1
21	"Янги Сергели" МФЙда ТП-3869нинг 400/10 кВА трансформатор қувватини 630/10 кВАга ошириш.		1									1
22	"Сўғдиёна" МФЙда ТП-299нинг 400/10 кВА трансформатор қувватини 630/10 кВАга ошириш.		1									1
23	ТКАД, ПС Тепличная ва РП-Қўйлиқни боғловчи 6 кВ Ф.Қўйлиқ-1а,2а,б электр тармоғини реконструкция қилиш.	4,1							4,10		4,10	



Т/р	Лойиха номи	Жами		Шу жумладан								
		0,4–10 кВ ЭУТ	ТП	янги қурилиш				ТП (та)	реконструкция			
				ЭУТ (кВ)			жами		ЭУТ (кВ)			ТП (та)
				жами	0,4 кВ	6–10 кВ			жами	0,4 кВ	6–10 кВ	
24	Шокирариқ кўчаси, РП-Победадан ТП-3585ни боғловчи 10 кВ Ф.Плутон-1, 2 электр тармоғини реконструкция қилиш.	8						8,00		8,00		
25	Ф.Сергели-5 1 А, Б ва 2 А, Б электр тармоғини реконструкция қилиш.	7,07						7,07		7,07		
26	"Қўшқўрғон" МФЙда ТП-3581дан чиқувчи 0,4 кВ электр тармоғини реконструкция қилиш.	3,2						3,20	3,20			
27	"Қўшқўрғон" МФЙда ТП-3037нинг 400/10 кВА трансформатор қувватини 630/10 кВАга ошириш ва 0,4 кВ тармоғини реконструкция қилиш.	2,5	1					2,50	2,50		1	
28	"Зийнат" МФЙда ТП-3922дан таъминланган 43,44-кўп қаватли уйларни таъминловчи 0,4 кВ кабелларни янгилаш.	2						2,00	2,00			
29	"Қубайтепа" МФЙда Ф.Скважинада 6 кВ кабель тармоғини янгилаш.	1						1,00		1,00		
30	"Қумариқ" МФЙда ТП-6185 ва ТП-310 оралиғидаги 6 кВ Ф.ТЗБ кабелни янгилаш.	1,6						1,60		1,60		
31	"Қумариқ" МФЙда ТП-6626 ва ТП-310 оралиғидаги 6 кВ Ф.ТЗБ кабелни янгилаш.	1,6						1,60		1,60		
32	"Халқобод" МФЙда ТП-3279 ва ТП-3271 оралиғидаги 6 кВ Ф.5Б-5,6 кабелни янгилаш.	0,84						0,84		0,84		
33	"Ҳабибий" МФЙда ТП-4043нинг 400/10 кВА трансформатор қувватини 630/10 кВАга ошириш.		1								1	
34	"Қубайтепа" МФЙда ПС Ўзгариш ва РП-Керамзит оралиғидаги 6 кВ Ф.Керамзит-2 кабел тармоғини янгилаш.	8						8,00		8,00		

**2023 йилда Тошкент шаҳри Учтепа туманининг паст кучланишли электр тармоқларини янгилаш дастурининг  
МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ**

Т/р	Лойиҳа номи	Жами		Шу жумладан							
				янги қурилиш				реконструкция			
		0,4–10 кВ ЭУТ	ТП	ЭУТ (км)			ТП (та)	ЭУТ (км)			ТП (та)
				жами	0,4 кВ	6–10 кВ		жами	0,4 кВ	6–10 кВ	
	<b>Жами</b>	<b>45,60</b>	<b>14</b>	<b>2,10</b>		<b>2,10</b>	<b>4</b>	<b>43,50</b>	<b>31,33</b>	<b>12,17</b>	<b>10</b>
1	"Ўткир" МФЙ, янги 2 та ТП ўрнатиш ва 0,4–10 кВ электр тармоғини реконструкция қилиш.	1,10	1	0,60		0,60	1	0,50		0,50	
2	"Латифгузар" МФЙ, янги ТП ўрнатиш ва 0,4–10 кВ электр тармоғини реконструкция қилиш.	0,30	1	0,30		0,30	1	0,00			
3	"Катта Чўпонота" МФЙ, янги 2 та ТП ўрнатиш ва 0,4-10 кВ электр тармоғини реконструкция қилиш.	1,10	1	0,60		0,60	1	0,50		0,50	
4	"Бекобод" МФЙ, янги ТП ўрнатиш ва 0,4-10 кВ электр тармоғини реконструкция қилиш.	1,10	1	0,60		0,60	1	0,50		0,50	
5	"Заргарлик" МФЙ, ТП-1639нинг мавжуд трансформатор қувватини ошириш.		1								1
6	"Катта Қани" МФЙ, ТП-2476нинг мавжуд трансформатор қувватини ошириш.		1								1
7	"Бешқайрағоч" МФЙ, ТП-1863нинг мавжуд трансформатор қувватини ошириш.		1								1
8	"Тепакўрғон" МФЙ, ТП-1695нинг мавжуд трансформатор қувватини ошириш.		1								1
9	"Боғичинор" МФЙ, ТП-456нинг мавжуд трансформатор қувватини ошириш.		1								1
10	"Дийдор" МФЙ, ТП-3749нинг мавжуд трансформатор қувватини ошириш.		1								1
11	"Пахтакор" МФЙ, ТП-82нинг мавжуд трансформатор қувватини ошириш.		1								1
12	"Катта Чўпонота" МФЙ, ТП-4260дан чиқувчи 0,4 кВ электр тармоғини реконструкция қилиш.	0,80						0,80	0,80		
13	"Қорёғди" МФЙ, ТП-1879нинг мавжуд трансформатор қувватини ошириш.	0,80	1					0,80	0,80		1



Т/р	Лойиҳа номи	Жами		Шу жумладан							
		0,4–10 кВ ЭУТ	ТП	янги қурилиш				реконструкция			
				ЭУТ (км)			ТП (та)	ЭУТ (км)			ТП (та)
				жами	0,4 кВ	6–10 кВ		жами	0,4 кВ	6–10 кВ	
14	"Бешқайрағоч" МФЙ, ТП-2737нинг мавжуд трансформатор қувватини ошириш ва 0,4 кВ электр тармоғини реконструкция қилиш.	2,20						2,20	2,20		
15	"Боғистон" МФЙ, ТП-2110нинг мавжуд трансформатор қувватини ошириш.		1								1
16	"Нишабарик" МФЙ, ТП-1787нинг мавжуд трансформатор қувватини ошириш ва 0,4 кВ электр тармоғини реконструкция қилиш.	0,80	1					0,80	0,80		1
17	"Пахтакор" МФЙ, ГЭС-9дан чиқувчи 6 кВ Ф.Боғистон, Ф.Бобур, Ф.Пахтакор, Ф.Овошной электр тармоқларини реконструкция қилиш.	0,60						0,60		0,60	
18	"Дегрез" МФЙ, ПС Озодликдан чиқувчи 10 кВ Ф.Термиз-1, 2, Ф.Бешқайрағоч, Ф.Бекобод, Ф.Сайид-1, 2, Ф.Учтут электр тармоқларини реконструкция қилиш.	0,50						0,50		0,50	
19	"Диёробод" МФЙ, "Янгийўл" МФЙ, Ф.Тибет, РП-Ал-Хоразмий, ТП-3930, Ф.Алатау ва ТП-3898, 6107 оралиғидаги электр тармоғини реконструкция қилиш.	0,60						0,60		0,60	
20	"Хуршид" МФЙ, "Зулфизар" МФЙ, ТП-1339 ва ТП-1133 оралиғидаги 10 кВ Ф.Матор электр тармоғини реконструкция қилиш.	0,30						0,30		0,30	
21	"Бешқайрағоч" МФЙ, ТП-3080 ва ТП-6994 оралиғидаги 10 кВ Ф.Кўркама электр тармоғини реконструкция қилиш.	0,20						0,20		0,20	
22	"Кўркамабод", "Учтепа" МФЙ, Ф.Матор-1,2, ва Ф. Бату-3,4 оралиғидаги 10 кВ электр тармоғини реконструкция қилиш.	0,30						0,30		0,30	
23	"Катта Чўпонота" МФЙ, Ф.Андижон-1,2, ва Регистон-1,2 оралиғида 10 кВ электр тармоғини реконструкция қилиш.	0,50						0,50		0,50	
24	"Катта Қани" МФЙ, ТП-2476, 1481, 4414дан чиқувчи 0,4 кВ электр тармоғини реконструкция қилиш.	5,00						5,00	5,00		
25	"Катта Чўпонота" МФЙ, ТП-7330дан чиқувчи 0,4 кВ электр тармоғини реконструкция қилиш.	1,50						1,50	1,50		

Т/р	Лойиҳа номи	Жами		Шу жумладан							
		0,4–10 кВ ЭУТ	ТП	янги қурилиш				реконструкция			
				ЭУТ (кВ)			ТП (та)	ЭУТ (кВ)			ТП (та)
				жами	0,4 кВ	6–10 кВ		жами	0,4 кВ	6–10 кВ	
26	"Кўкча Оқтепа" МФЙ, ТП-952, 597, 1805дан чиқувчи 0,4 кВ электр тармоғини реконструкция қилиш.	5,00						5,00	5,00		
27	"Латифгузар" МФЙ, ТП-2389дан чиқувчи 0,4 кВ электр тармоғини реконструкция қилиш.	2,00						2,00	2,00		
28	"А.Қодирий" МФЙ, ТП-2390дан чиқувчи 0,4 кВ электр тармоғини реконструкция қилиш.	2,00						2,00	2,00		
29	"Шарқ юлдузи" МФЙ, ТП-2045дан чиқувчи 0,4 кВ электр тармоғини реконструкция қилиш.	1,30						1,30	1,30		
30	"Пахтакор" МФЙ, ТП-900дан чиқувчи 0,4 кВ электр тармоғини реконструкция қилиш.	0,30						0,30	0,30		
31	"Пахтакор" МФЙ, ТП-82дан чиқувчи 0,4 кВ электр тармоғини реконструкция қилиш.	1,60						1,60	1,60		
32	"Шофайз боғи" МФЙ, ТП-2058 ва ТП-4671дан чиқувчи 0,4 кВ электр тармоғини реконструкция қилиш.	1,40						1,40	1,40		
33	"Латифгузар" МФЙ, ТП-2031дан чиқувчи 0,4 кВ электр тармоғини реконструкция қилиш.	1,33						1,33	1,33		
34	"Қорёғди" МФЙ, ТП-2017 ва ТП-1879дан чиқувчи 0,4 кВ электр тармоғини реконструкция қилиш.	1,20						1,20	1,20		
35	"Нишабаров" МФЙ, ТП-1787дан чиқувчи 0,4 кВ электр тармоғини реконструкция қилиш.	1,30						1,30	1,30		
36	"Катта Чўпон" МФЙ, ТП-2024 ва ТП-3943дан чиқувчи 0,4 кВ электр тармоғини реконструкция қилиш.	1,40						1,40	1,40		
37	"Катта Қани" МФЙ, ТП-8518дан чиқувчи 0,4 кВ электр тармоғини реконструкция қилиш.	1,40						1,40	1,40		
38	"Боғобод" МФЙ, ТП-2051дан чиқувчи 0,4 кВ электр тармоғини реконструкция қилиш.	0,40						0,40		0,40	
39	"Боғистон" МФЙ, ТП-2294дан чиқувчи 0,4 кВ электр тармоғини реконструкция қилиш (н/в кабел).	0,38						0,38		0,38	
40	"Кўҳна Чўпонота" МФЙ, ТП-1861 ва ТП-2014дан чиқувчи 0,4 кВ электр тармоғини реконструкция қилиш.	0,60						0,60		0,60	
41	"Гузар" МФЙ, ТП-1951дан чиқувчи 0,4 кВ электр тармоғини реконструкция қилиш.	0,30						0,30		0,30	
42	"Бирлик" МФЙ, ТП-2111дан чиқувчи 0,4 кВ электр тармоғини реконструкция қилиш.	0,54						0,54		0,54	



Т/р	Лойиҳа номи	Жами		Шу жумладан							
		0,4–10 кВ ЭУТ	ТП	янги қурилиш			ТП (та)	реконструкция			
				ЭУТ (км)				ЭУТ (км)			
				жами	0,4 кВ	6–10 кВ		жами	0,4 кВ	6–10 кВ	ТП (та)
43	"Фарҳод" МФЙ, ТП-1915дан чиқувчи 0,4 кВ электр тармоғини реконструкция қилиш.	0,30						0,30		0,30	
44	"Тинчликобод" МФЙ, ТП-1827дан чиқувчи 0,4 кВ электр тармоғини реконструкция қилиш.	0,30						0,30		0,30	
45	"Хуросон" МФЙ, ТП-437 ва ТП-1735дан чиқувчи 0,4 кВ электр тармоғини реконструкция қилиш.	0,80						0,80		0,80	
46	"Заргарлик" МФЙ, ТП-1652, ТП-437 ва ТП-1639дан чиқувчи 0,4 кВ электр тармоғини реконструкция қилиш.	0,90						0,90		0,90	
47	"Қўрғонтепа" МФЙ, ТП-13дан чиқувчи 0,4 кВ электр тармоғини реконструкция қилиш.	0,35						0,35		0,35	
48	"Тепакўрғон" МФЙ, ТП-465, ТП-1705 ва ТП-1695дан чиқувчи 0,4 кВ электр тармоғини реконструкция қилиш.	0,95						0,95		0,95	
